

О.Т. ҲАЗРАТҚУЛОВ

ЛИЗИНГ

МУНОСАБАТЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
МУАММОЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ҲАЗРАТҚУЛОВ ОДИЛБЕК ТУРСУНОВИЧ

**ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ**

ТОШКЕНТ-2014

УДК: 339.187.62 (575.1)

X-15

Ҳазратқулов Одилбек Турсунович. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. – Т.: ТДЮУ, 2014. 200–бет.

Масъул муҳаррир:

юридик фанлари доктори, профессор **С.С.Гулямов**

Тақризчилар:

Тошкент давлат юридик университети "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедрасининг мудири, юридик фанлари доктори, профессор **О.Окюлов**

ЁТ "ЎЗБЕКЛИЗИНГ ИНТЕРНЕЙШНЛ АО" қўшма корхонаси бош директори, и.ф.н **З.Б.Мустафоев**

Мазкур монографияда лизинг шартномаси тушунчаси, унинг турлари, ривожланишининг тарихий жиҳатлари, миллий ҳамда хорижий лизинг амалиёти билан боғлиқ бўлган муаммолар илмий-назарий жиҳатдан комплекс тарзда тадқиқ этилиб, лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун таҳлил этилган ва уларни янада такомиллаштириш бўйича илмий асослантилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Мазкур монография "Миллий иқтисодийни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида лизинг тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари" мавзусидаги А2-ФҚ-0-12085 А2-05-рақамли грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.

© Ҳазратқулов Одилбек Турсунович, 2014 й.

Кириш

Бутун жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳар бир давлатга у ёки бу кўринишда ўзининг салбий оқибатлари билан таъсир кўрсатиб турибди. Бугунги кунда жаҳонинг бир неча молиявий компаниялари, йирик банклар ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ихтисослашган тарансмиллий компанияларнинг тўлов қобилиятини йўқотиб танглик ҳолатини бошдан кечиришмоқда. Хозирда жаҳондаги йирик компаниялар ўз фаолиятини тугатишлари ёки фаолият доирасини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқишди. Бунинг натижаси сифатида бир неча давлатларда ишсизликнинг ошиб бориши ва бошқа салбий оқибатлар вужудга келмоқда. Бундай ҳолатларни олдини олишнинг самарали воситалардан бири маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни лизинг асосида қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Хозирда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар лизингни республика иқтисодиётга жорий этиш заруриятини кун тартибига қўйди. Ўз навбатида тадбиркорлик субъектларини молиявий тарафлама инқироз юз тутиши ёки уларда етарли даражада айланма пул маблағларининг мавжуд эмаслиги лизингга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Лизинг – асосий ишлаб чиқариш воситаларини зудлик билан янгилаш, корхоналарни замонавий технологиялар билан таъминлаш ёки жорий этиш, шу асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳамда ҳажмини кескин оширишга ёрдам беради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ўтган вақт давомида лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонун нормалари яратилди ҳамда давлатимиз томонидан мазкур муносабатни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган бир неча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Президентимиз И.А.Каримов: "Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун 2008 йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, 2009 йилда 58 миллиард сўмдан

ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилганлиги"¹ ҳамда лизингни ривожлантиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаб олиш ва микролизинг хизматларининг доирасини кенгайтириш хусусида ўз асарида тўхталиб ўтган.

Лизинг ўтган қисқа муддат ичида республикамиз иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказа олди. Ҳозирда мазкур шартномавий муносабат орқали тадбиркорлик субъектларига лизинг шартномаси асосида техника ва технологиялар етказиб берилмоқда. Бироқ, ҳукумат томонидан лизинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва уни ривожлантиришга қаратилган шарт-шароитлар яратиб берилган бўлса-да, деҳқон-фермер хўжаликлари лизинг имкониятларидан лозим даражада фойдалана олишмаяпти. Лизинг компаниялари томонидан лизинг олувчилар талабларини тўлалигича қондира олмаслик ёки уларга ўта қиммат лизинг хизматларини таклиф этишлари бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, техника воситасини лизингга олиш, уни ўз маблағи ёки кредит ҳисобига сотиб олишга нисбатан анча қимматга тушмоқда. Лизинг муддатини қисқа қилиб белгиланганлиги, лизинг беришда аванс тўлови фоизини тўлаш, лизинг тўловини амалга оширишда лизинг олувчининг тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларининг бузилиши ва ҳоказоларни келтириш мумкин.

Шу билан бир қаторда лизинг шартномасини тузиш жараёнида шартнома субъектлари томонидан лизинг шартномасининг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаслик ва лизинг қонунчилигидаги ноаниқликларнинг мавжудлиги ёки қонундаги баъзи нормалар шартнома субъектлари ҳуқуқларини бир томонлама ҳимоя қилишга қаратилганлиги лизинг муносабатларининг янада тараққий этишига тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, республикамиз вилоятларида фаолият олиб борувчи деҳқон, фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг ўзлари учун қулай бўлган лизинг бозорига бўлган эътибори сусайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикада лизинг муносабатларини ривожлантириш учун иқтисодиёти тараққий этган хорижий

¹ Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 22-бет.

мамлакатлар лизинг амалиётини чуқур ўрганиш, лизинг бозорини янада ривожлантириш истиқболларини белгилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалда татбиқ этиш масалалари бугунги куна долзарблик касб этмоқда.

Республикамизда лизинг шартномаси ва мазкур шартномавий муносабатни илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берувчи ҳуқуқий адабиётларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги ҳамда лизинг бозорини ривожланишига таъсир кўрсатувчи концепция яратиш заруратининг мавжудлиги мавзу юзасидан атрофлича тадқиқот олиб боришни тақозо этмоқда. Лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчиликни халқаро конвенция нормалари билан уйғунлаштириш ва ривожланган давлатлар қонунчилигини таҳлил этиш орқали уларнинг ижобий натижаларини Ўзбекистон лизинг амалиётига татбиқ этиш лозим.

Лизинг соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ва амалиётида муайян бўшлиқлар, мунозарали масалаларнинг мавжудлиги турли муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ҳар бир давлат ўз ҳудудига хорижий инвестицияни жалб қилишда биринчи навбатда уларга иқтисодий имкониялар яратиб беришга эътибор қаратади. Иккинчи навбатда амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар орқали уларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди. Шунинг учун миллий лизинг қонунчилигини янада такомиллаштиришдан кўзланган асосий мақсад – мамлакатнинг инвестицион шафоқлигини таъминлаш ва лизинг муносабатларида қатнашаётган миллий, шунингдек халқаро лизинг субъектларининг ҳуқуқларини бир ҳилда ҳимоя қилиш ҳисобланади. Амалда қўлланиладиган ҳуқуқни ёки қонунчиликни назарий жиҳатдан асослантирилганлиги ўз навбатида тегишли қонун нормаларини такомиллашишига ва субъектларнинг ҳуқуқларини янада ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Лизинг муносабатларини бутун жаҳонга тезда ёйилиши ва ривожланишига АҚШ ҳамда айрим Европа мамлакатлари ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, АҚШ, Англия, Япония ва Европа иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатларда лизинг муносабатларининг ривожланиш тарихий ҳамда ҳуқуқий жиҳатлари бир неча асрлардан буён ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, Barbara B.Low, Derek R.Soper, Ewen J.Cameron, Howard

Е.Кане, М.Гиованолли, Петер А.Леву, Ричард Ф.Вансил, Ричард М.Континно., Роберт М.Мунро, Томас Н.Фраерман, Франк Ж.Фабоззи¹ ва бошқалар томонидан яратилган концепция ва назариялар лизинг муносабатларини мазкур давлатларда ривожланишига таъсир кўрсатган.

МДХ давлатларида ҳам лизинг амалиёти ва муаммоларига алоҳида эътибор қаратишган. Лизинг шартномаси орқали тиббиёт соҳаси, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа соҳалар кўллаб-қувватланмоқда. Ўз навбатида мазкур соҳаларга лизингни жалб қилишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда ва шу орқали махсус адабиётлар ҳам босқичма-босқич кўпайиб бормоқда. Хусусан, Витрянский В.В., Газман В., Груздева А.А., Кабатова Е.В., Комаров В.А., Коннова Т.А., Кукушкин В.М., Лисименко И.Г., Решетник И.А., Суханов Е.А., Харитонов Ю.С., Шаталов С.С. ва бошқалар лизинг муносабатларига доир муаммолар устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган².

Хусусан, О.Е.Блинковнинг номзодлик диссертацияси кўчмас мулк лизингини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган³. Л.Ю.Василевская Германия ва Россия давлатлари лизинг тажрибасининг қиёсий таҳлилига бағишланган тадқиқотни амалга оширган⁴.

Ўтган йиллар давомида республикамизда ижара институти доирасида тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, айнан лизинг

¹ Barbara B.Low. Leasing Sourcebook, The Directory of the U.S. Capital Equipment Leasing Industry. – Cleveland, Ohio.: – 1994., Derek R.Soper, Robert M.Munro, Ewen J. Cameron. The Leasing handbook. – London.: Sweet & Maxwell, 1993., Richard F.Vancil. Leasing of Industrial Equipment. – New York.: Norton, 1963. - P.389., Giovanoli M. Le credit-bail (leasing) en Europe: developpement et nature juridique. – Paris.: –1980., Richard M.Contino. Negotiating Business Equipment Leases-Insider Strategies For Getting the Best Deal. – New York / McGraw-Hill, 1995., Howard E.Kane., Peter A.Levy, Thomas H.Fraerman. Illinois Real Estate Leasing Forms: Practice // Publisher: LEXIS Law Pub. Date: January. – 1994., Frank J.Fabozzi. Equipment Leasing. – New York.: Dow-Jones, 1997. – P.132.

² Витрянский В.В. Договор аренды и его виды: прокат, фрахтование на время, аренда зданий, сооружений и предприятий, лизинг. – М.: Статут, 1999., Груздева А.А. Лизинг в гражданском праве России: Автореф. дис... канд. юр. наук. – Саратов, 2000. – 36 с., Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, практика. – М.: Инфра-М, 1998., Комаров В. Инвестиции и лизинг в СНГ. – М.: Финансы и статистика, 2001., Коннова Т.А. Финансовая аренда (лизинг) // Гражданское право. Часть вторая: Учебник / Под общ. ред. Калпина А.Г. – М.: Инфра-М, 2000., Кукушкин В.М. Правовое регулирование лизинговых отношений в Российской Федерации. Автореф. дис... канд. юр. наук. – Екатеринбург: 2005. – 24 с., Шаталов С.С. Новая концепция юридической природы лизинговых отношений // Журнал. Юрист, 2001. – №1. – С.44-47.

³ Блинков О.Е. Правовое регулирование финансовой аренды (лизинга) недвижимости: Автореф. дис... канд. юр. наук. – Рязань: 2000. – 33 с.

⁴ Василевская Л.Ю. Лизинг в Германии и России: опыт сравнительного правового исследования. Автореф. дис... канд. юр.наук. – М., МГУ, 2002. – 25 с.

муаммоларига бағишланган комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган ва бу мавзуга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Мавзуга доир чиқарилган адабиётларни икки йўналишга бўлиш мумкин. Жумладан, иқтисодий ҳамда юридик таҳлилга қаратилган адабиётлар. Лизинг муносабатларининг иқтисодий жиҳатлари О.Ш.Собиров, О.М.Қулжонов, Д.Ғ.Ғозибеков ва бошқа бир қатор муаллифларнинг ишларида баён этиб ўтилган¹.

Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқида лизинг шартномасининг ҳуқуқий жиҳатлари Х-А.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Окюлов, Ф.Х.Отахонов, Ф.Ю.Шодманов, Ш.М.Асьянов, И.Анортоев, С.Б.Бобоқулов ва М.Х.Боротовларнинг илмий асарларида ёритиб берилган².

Жумладан, профессор Р.Ж.Рўзиев томонидан лизинг (молия ижараси) шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини илмий таҳлил этилган. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган³.

Профессор С.С.Гулямов хорижий мамлакатлардаги лизинг муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари ва мазкур шартномага нисбатан ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган⁴.

Юқоридаги устозлар ижара шартномасига оид муаммоларга, шу билан бир қаторда лизинг шартномасининг айрим жиҳатларини ўрганишга қаратилган умумий қоидалар устида тадқиқотлар олиб борган бўлсаларда, лизинг муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришга, халқаро лизинг амалиёти ва назариясини таҳлил этган ҳолда комплекс тадқиқотларни амалга оширишмаган. Биз ушбу устозлар томонидан илгари сурилган умумий қоидалар ва илмий ғояларига асосланган ҳолда қуйида

¹ Ғозибеков Д.Ғ., Собиров О.Ш., Мўминов А.Ғ., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: Fan va tehnologiya, 2004.

² Асьянов Ш.М. Лизинг - особый вид договора имущественного найма. – Т.: Эволюция договорного права, 1997., Анортоев И. Лизинг шартнома муносабатлари // Журнал. Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999. – №2., Бобоқулов С.Б. Лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи бир жиҳатлари // Журнал. Давлат ва ҳуқуқ, 2000. – №4., Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: Адолат, 1996.

³ Рўзиев Р.Ж. Лизинг шартномаси. – Т.: Адолат, 2002., Рўзиев Р.Ж. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. Автореф. дис... док. юр. наук. – Т.: ТГЮИ, 2002. – 48 с.

⁴ Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. – Т.: Шарқ, 2002. 223-б.

лизинг муносабатларини Ўзбекистон Республикасида янада ривожланишига қаратилган тадқиқотларни амалга оширдик.

Мазкур монографияга лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи ва ушбу фаолиятнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, давлатимиз томонидан ратификация қилинган давлатлараро ва халқаро конвенциялар тўғрисидаги нормалар матнини илова қилишни лозим топдик.

Ўқувчи мазкур монография билан танишиш жараёнида республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда лизинг шартномасининг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлашга оид қарашлар, молиявий-иқтисодий инқирозни олдини олиш ва бартараф этишда лизинг шартномасининг ижобий таъсир кўрсатиш омиллари, лизинг шартномасининг ўзига хос хусусиятлари орқали иқтисодиётга эркин ва қулай мослашиш босқичлари ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилганлигини кузатиши мумкин.

Мазкур монография ўқувчининг лизинг шарномаси ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлишларига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларда лизинг шартномасини моҳиятини тўлиқ тушуниб етишларига, лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган амалдаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари билан танишиш ва уни амалда қўллашга йўналиш беришга кўмаклашади. Шунингдек, ўқувчининг лизинг шартномаси тўғрисидаги билимларини янада бойитиш ва кенгайтиришга ёрдам беради.

Мазкур монографиянинг тайёрланишида марҳум устоз академик Х-А.Раҳманкулов, профессор С.С.Гулямов, профессор О.Окюлов, профессор Р.Ж.Рўзиев, доцент В.Ё.Эргашевларнинг беминнат маслаҳатлари ҳамда ўзининг фаолияти боғлиқ бўлган маълумотлар билан яқиндан танишиб чиқишга амалий ёрдам бергани учун ЁТ "Ўзбеклизинг Интернетшнл АО" қўшма корхонаси раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

I-БОБ. МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ– ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

1.1. Молиявий лизинг шартномаси тушунчаси ва унинг тарихий ривожланиш жиҳатлари

Юксак тараққиётга эга бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида лизинг шартномаси муҳим ўрин тутган бўлиб, ҳозирда ҳам мазкур шартномавий муносабат бир неча давлатларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатишида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбекистон Республикасида йирик саноат корхоналарини барпо этиш, хусусан оғир ва енгил саноат соҳасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, қишлоқ жойларида янги мини завод ва корхоналар қуриш ва уларни жиҳозлаш, иш ўринларини ташкил этиш ва миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бутун жаҳонда қўлланилиб келинган ва ўзининг ижобий хусусиятлари билан тадбиркорлик субъектларига имкониятлар тақдим этган – молиявий лизинг юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Лизингни тарихий ривожланиш босқичини таҳлил этиш орқали шунга амин бўлдикки, иқтисодиёти ривожланган давлатларни тараққий этиши ва юксалишида молиявий лизинг бозори ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Молиявий лизинг субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишда шартнома тушунчаси, унинг бошқа шартномалардан фарқловчи жиҳатлари ва юридик табиатини аниқлаш лизинг муносабатларининг ҳар бир даврида долзарблик касб этган.

Ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрича, молиявий лизинг билан боғлиқ муносабатлар юз йиллик тарихга эга эканлигига қарамай, сўнгги йиллардагина қатор хорижий давлатларнинг фуқаролик ҳуқуқида лизинг ва унинг алоҳида турларига юридик таъриф берилди. Унинг ижобий натижаси сифатида кўплаб давлатларда лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус қонунлар ҳам қабул қилинди. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида молиявий лизинг



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/288> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/288> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/288>